



159

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2016-й.г. «9» февраль

№ 220-т

«Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Найзатеппа» маҳалласида жойлашган Рустамова Кибриё Хусеновнага тегишли савдо дўкони биносини нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига ўтказиш ҳақида

«Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Найзатеппа» маҳалласида яшовчи фуқаро Рустамова Кибриё Хусеновна туман ҳокимлигига ариза орқали мурожаат этиб, унга тегишли бўлган «Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Найзатеппа» маҳалласида жойлашган савдо дўкони биносини нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Самарқанд туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2013 йил 7 январда тайёрланган савдо дўкони биносининг кадастр хужжатлар тўплами, туман Ички ишлар бўлими Ёнгин хавфсизлиги бўлинмасининг ва туман Давлат санитария эпидемиология назорати марказининг розилик хатлари ҳамда туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг Рустамова Кибриё Хусеновнага тегишли савдо дўкони биносини уй-жойга мослаштириб уй-жой қуриши лозимлиги ҳақидаги хулосаларини ва фуқаро Рустамова Кибриё Хусеновнани аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой Кодекси»нинг 17-моддасига асосан

Қ а р о р қ и л а м а н :

1. «Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Найзатеппа» маҳалласида жойлашган Рустамова Кибриё Хусеновнага тегишли қурилиш майдони 1-та савдо дўкони майдони 81,34 м.кв., 1-та омбухона майдони 99,84 м.кв., 1-та айвон майдони 140,80 м.кв., 1-та бошлиқ ховаси майдони 19,06 м.кв. дан иборат бўлган савдо дўкони биносини қайта таъмирлаб, уй-жойга мослаштириб, бинони нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига айлантиришга рухсат ҳамда умумий 919,37 м.кв ер майдонига Рустамова Кибриё Хусеновна номига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Рустамова Кибриё Хусеновнага тегишли бўлган савдо дўкони биносини нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига айлантирилганлиги муносабати билан, мазкур уй-жойга Рустамова Кибриё Хусеновна номига эгалик қилиш ҳуқуқи берилсин туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Очилов)га бинонинг хужжатлар тўпламини ўзгартириш киритиб, туман статистика бўлими ҳамда туман давлат солиқ инспекциясига тегишли маълумотлар тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров